

Кўб вақтдан бери миллатимни тараккий этдируб, бошка миллатларга ўхшаш осмонга учурмок нияти олияси кўнглимда ўрунлашиб, муниг учун турли йўллар билан тиришиб кўрдим. Лекин бу бахтсизлигимдан барча тадбир ва хамма хидматим фойда этмай, бўшга кетди. Яъни мил-латимни кўкларга учурмок нари турсун, лоакал кўрларнинг асокашидек ани дангасалик водийсиндан уч-тўрт кадам етаклаб бир четга чикармокка хам муваффақ бўлолмадим. Менга ўхшаш бошка йўлдошларим хам бу тўғрида бирор турли муваффақият кўролмадиларки, бу шай мени гоят чуқур ўйламакга мажбур этди. Бир неча йил кўкнорилардек ўйлаб юргандан сўнг охири муваффақиятсизлигимнинг сабабларини топдим. Яъни миллатни бўйни йўгонлик уйкусиндан уйготиб кўзини очтурмок йўлини билиб олдим. Шунчасини хам айтмасдан, мақсадга кириша олмайманким, маним бу зўр кашфиётимга «илми ахволи рух» фани яхшигина ёрдам этди.

Мана, сизга хакикат! Бизнинг мусулмонлар, бохусус туркистонлилар дангаса, бўйнийўгон, муфлис, мутаққабир, галати бир жонвор экан. Бу жонворларни турли бузукликлардан чикариб инсон каторйга киргузмак, иккинчи бир иборат билан айтганда, хушёкмаслик уйкусиндан уйготиб, кўзини очтурмок учун «Таёк»дан бошка нарсаси керак эмас экан.

Мен бу ишни бир неча мартаба тажриба этиб яхши натижасини кўрдимки, халкни хушёр этмак учун «Таёк» афанди зўр омил ва муассир экан. Мана шунинг учун «Таёк» отинда хажвий бир газета чикармокка қарор бердим.

«Таёк»нинг мақсад ва маслағи:

Тўғрилиқ ва халкни тўғри йўлга солмок бўлуб, ул ҳеч кимга ва ҳеч бир қувватга бўйун эгмасдир. Ул ёлғиз чин инсоният ва ҳаққонийлик қошинда эҳтиром билан тенг турадир.

«Таёк» тўғрилиқ йўлинда зўраки бойлардек синиб майда-чуйда бўлуб кетганча ўз вазиғасини адо этадир, аммо эғрилиқни ҳеч вақт қабул этмайдир.

Сўзнинг қисқаси, «Таёк» тўғрилар учун асои ҳузур, эғрилар учун зулғиқори Алидир.

Букун ўқувчи афандиларга хакикат сўзидан бир-икки калима арз этиб сўзни битураман,
мундан сўнграда ёзиб турмокни риоя этаман.

Ботурбек

«Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 19 ноябрь